




BIOKIMYO
AKSIYADORLIK JAMIYATI

**«BIOKIMYO» АЖ нинг 2023-йил учун молиявий
хўжалик фаолияти юзасидан ички аудит хизмати
текшируви бўйича
Аудиторлик ҳисоботи**

Мундарижа

1	КИРИШ ҚИСМ.	3
1.1	ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР.	3
2	ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ	4
2.1	БИЗНЕС-РЕЖА БАЖАРИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ	4
2.2	КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.	5
2.3	КОРХОНАНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.	6
2.3.1	Бошланғич қолдиқлар таҳлил	7
2.3.2	Хусусий капитал ҳисоби аудити	9
2.3.3	Товар моддий захиралари(ТМЗ) аудити.	10
2.3.4	Асосий воситалар аудити.	12
2.3.5	Узоқ муддатли инвестициялар аудити	13
2.3.6	Касса ва касса операциялар аудити.	13
2.3.7	Банкдаги асосий ва бошқа ҳисобрақамлар аудити.	14
2.3.8	Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб-китобларни аудити.	14
2.3.9	Ҳисоб-китоб-тўлов тартиби аудити	15
2.3.10	Даромадлар ҳисоби аудити.	18
2.3.11	Харажатлар ҳисоби аудити.	18
2.4	СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБЛАНИШИ ВА ТЎЛАНИШИ АУДИТИ.	19
2.4.1	Акциз солиғи	20
2.4.2	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.	20
2.4.3	Юридик шахслар ер солиғи	21
2.4.4	Юридик шахслар мол-мулк солиғи	21
2.4.5	Ижтимоий солиқ ҳисоби аудити.	23
2.4.6	Жисмоний шахслардан даромад солиғи ҳисоби аудити.	24
2.4.7	Қўшилган қиймат солиғи.	24
2.4.8	Юридик шахслар фойда солиғи ҳисоби.	24
2.5	МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПАЙТИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ.	26
2.6	ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.	26
3	ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ	27
4	ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	27



1 КИРИШ ҚИСМ.

Биз ички аудит хизмат вакиллари, Холмирзаев А.А ва Баратов О.А. «КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА» ги Низом (кейинги ўринларда НИЗОМ) га асосан «BIOKIMYO» акционерлик жамияти (кейинги ўринларда ЖАМИЯТ) ички аудит текшируви натижаларини ўз ичига олган Низомнинг 12-банди талаблари доирасида 2023-йил учун ҳисобот тайёрладик.

Молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва ишончлилиги учун хўжалик юритувчи субъект раҳбари жавобгар, биз ҳисоботлар бўйича берилган хулоса юзасидан жавобгар ҳисобланамиз.

Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

-кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

-ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ички аудит хизмати томонидан бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлар назорати шаклида аудит текшируви ўтказилди. Текширув натижаларига ҳисобот тайёрланди ва ҳисобот ўз мазмунига қўра қуйилдаги қисмлардан иборат:

- 2023-йилга белгиланган бизнес режа амал қилиш қўрсаткичлари;
- Молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби ҳолати;
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши;
- Молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши;
- Ички назорат ҳолати.

Ички аудит ҳисоботи 2023-йил 1-январдан 31-декабрь оралиғидаги ҳисоб циклини ўз ичига олади. Текширув жараёнида тақдим қилинган ҳужжатлар ҳаққонийлиги, ҳақиқийлиги текширилмади. Текширувдан кейин қилинган ҳужжатлар текширувдан четда қолган ҳужжатлар жавобгарлиги жамият ҳисоб раҳбарлари жавобгарлигида.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган даврда жамиятда биринчи ва иккинчи даражали имзо ҳуқуқида қуйидаги шахслар ишлаб келмоқда:

Бошқарув раиси - Аликулов Р.А.

Бош ҳисобчи – Каратаева М.Й.

1.1 ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР.

«BIOKIMYO» АЖ (кейинги ўринларда «Жамият») Ўзбекистон Республикаси Мулк Қўмитаси Тошкент вилояти Бошқармасининг 1994 йил 30 майдаги 271 сонли ва 1995 йил 17 июльдаги 994 сонли буйруқларига мувофиқ Янгийўл БИОХИМ заводини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган. Жамият ўз фаолиятини Тошкент вилояти ҳудудида олиб боради.

Жамият амалдаги устави акциядорларнинг 2023 йил 27 июньдаги навбатдан ташқари йиғилишида тасдиқланган. Унга қўра жамият устав фонди миқдори 19 139 488 000 сўм, номинал қиймати 3350 (Уч минг уч юз эллик сўм) бўлган 5 713 280 дона акциядан иборат. Жамият акциядорлари таркиби:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги улуши 9 761 096 000 сўм(51%);
- Жисмоний ва бошқа юридик шахслар улуши 9 378 392 000 сўм(49%).

Жамият уставига қўра фаолиятининг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат:

- Озуқа ва техник спирт ишлаб чиқариши ва сотиш;
- Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Микробиологик маҳсулот ва парфюмерия, косметика буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш.

Жамият юқоридаги асосий фаолият соҳасидан ташқари қуйидаги қўшимча фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин:

- Қурилиш монтаж ишлари ишга тушириш ва созлаш;
- Сервис хизмати ва маҳсулот харид қилиш;
- Биноларни, кўчмас ва кўчар мулкларни ижарага бериш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш.

Жамият жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 112004 Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Кимёгар 1.

2 ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

2.1 БИЗНЕС-РЕЖА БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

Бизнес режа бажарилиши буйича ички аудит текшируви мақсади:

- Бизнес режа бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни.

Жамият бизнес режаси 2023-йилдаги унинг асосий фаолияти мақсадларини амалга ошириш учун келтирилган кўрсаткичларидир. Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш ва дивиденд тўлаш учун етарли даражада активлар билан таъминланган.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотлар кўрсаткичлар аудит томонидан таҳлил қилинди ва бизнес режа бажарилиши бўйича текширув ўтказилди. Қуйидаги жадвалда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бизнес режага нисбатан бажарилиши таҳлили келтирилган:

«BIOKIMYO» АЖнинг 2023-йил учун бизнес режа бажариллиши таҳлили (ишлаб чиқариш кўрсаткичлари)

№	Номлари	Ўлч. бир.	режада	Ҳақиқатда	Фарқлар	% бажарил
1	Товар (иш,хизматлар) улгуржи	млн сўм	299 697	299 112	-584	99.8
2	Тегишли йилдаги тегишли нархларда	млн сўм	299 697	277 441	-22 256	92.6
3	Истеъмол товарлари(ароқ ва вино <i>Саноат маҳсулотлар ишлаб</i>		0	28	28	0.0
4	Спирт пищевой	м дал	1 510.0	1 500.8	-9.2	99.4
5	Спирт технич	м дал	60.0	47.0	-13.0	78.3
6	Пар технолог	м ккал	2.42	1.19	-1.2	49.2
7	Газ браженне	м.тн	4.24	4.53	0.3	106.8
8	Барда жидкая	м.тн	160.91	160.80	-0.11	99.9

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўрсатадики, бизнес режа ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақиқатда режага нисбатан бажарилмаган. Хусусан истеъмол спирт 2023 йил режага кўра 1510.0 минг дал кўрсатилган бўлса, ҳақиқатда 1500.8 минг дал ишлаб чиқарилган. Техник спирт ишлаб чиқариш режага кўра 60.0 минг дал кўрсатилган ҳолда, ҳақиқатда ушбу кўрсаткич 47.0 минг дални ташкил этган. Истеъмол спирти ишлаб чиқариш бизнес режага нисбатан 99.4 % бажарилган бўлса, техник спирт ишлаб чиқариш бизнес режаси ҳам 78.3% га бажарилган.

Асосий маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ миқдорий кўрсаткичлардан барчаси режа доирасида бажарилмаган.

Бизнес режа молиявий кўрсаткичлари бажарилиши таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди.

**«BIOKIMYO» АЖнинг 2023-йил учун бизнес режа бажарилиш таҳлил
(молиявий кўрсаткичлар)**

№	Кўрсаткичлар	Ўлч. бир.	Режада	Ҳақиқатда	Фарқлар	% бажарилиши
1	Маҳсулот сотишдан тушум	млн сўм	466 934	438 070	-28 864	93.8
2	Акқиз	млн сўм	116 965	114 768	-2 197	98.1
3	Кўшилган қиймат солиғи	млн сўм	50 272	46 929	-3 343	93.4
4	Сотишдан соф тушум	млн сўм	299 697	276 372	-23 325	92.2
5	Сотилган маҳсулот таннархи	млн сўм	245 524	199 977	-45 547	81.4
6	Ялпи тушум	млн сўм	54 173	76 395	22 222	141.0
7	Давр харажатлари	млн сўм	23 424	23 215	-209	99.1
8	Сотиш харажатлари	млн сўм	1 315	1 508	193	114.7
9	Маъмурий харажатлар	млн сўм	5 308	4 273	-1 034	80.5
10	Бошқа операцион харажатлар	млн сўм	16 801	17 433	632	103.8
11	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	млн сўм	850	1 173	323	138.0
12	Солиқ тўлагунга қадар фойда	млн сўм	29 346	53 591	24 245	182.6
13	Фойда солиғи	млн сўм	3 483	8 491	5 008	243.8
14	Соф Фойда	млн сўм	25 863	45 100	19 237	174.4

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра соф фойда 174.4% миқдорда бажарилган, яъни режада 25863.0 млн сўм кўрсатилган ҳолда, ҳақиқатда ушбу кўрсаткичлар 45100.0 млн сўмни ташкил этган. Маҳсулот сотишдан тушум кўрсаткичи бизнес режага нисбатан бажарилмасдан қолган. Сотиш ҳажми режага нисбатан кам бўлганлиги сабабли Акқиз солиғи режадагидан камроқ ҳисобланган. ҚҚС ҳам товарлар режадан кўра кам сотилганлиги туфайли солиқ суммаси камайган. Соф фойда кўрсаткичларини режага нисбатан ортишига асосий сабаб сотилган маҳсулот таннархи камайиши, давр харажатлари таркибида харажатлар камайганлигидир.

2.2 КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Аудит мақсади:

- корхона бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг қатнашчилари (акционер)нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;
- корпоратив бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва корхона бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);

Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиниши аудитини ўтказишда жамият таъсис ҳужжатлари уларни бажарилиши бўйича ишлар текширилди. Жамият 2023-йил давомида ўз устави доирасида фаолият юритади. Жамият 2023-йил давомида кузатув кенгаши қуйидаги йиғилиши ўтказилган:

- Кузатув кенгашининг 2023-йил 02-февралдаги 09-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 14-февралдаги 10-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 22-февралдаги 11-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 25-апрельдаги 12-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 04-майдаги 13-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 02-июньдаги 14-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 23-июньдаги 15-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 26-июльдаги 01-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 23-августдаги 02-сонли йиғилиши;
- Акциянерлар 2023-йил 19-сентябрдаги 03-сонли навбатдан ташқари йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2023-йил 25-октябрдаги 03-сонли йиғилиши;

- Кузатув кенгашининг 2023-йил 24-ноябрдаги 04-сонли йиғилиши.

Кузатув кенгашининг йиғилиши 2023-йил йиғилишларида “BIOKIMYO” АЖнинг 2022-йил якуни бўйича бизнес-режаси асосий кўрсаткичларининг бажарилиши, дебитор маблағлар ундирилиши бўйича кўрилатган чоралар, ички аудит ҳисоботи билан танишиш, шунингдек жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш ҳисобига ошириш масалалари муҳокама қилинган. Шу билан бирга 2023 йил 1 чорак ва 2 чорак якунлари бўйича молиявий иқтисодий ҳолати таҳлили, жамият маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш чоралари, 2018 ва 2021 йиллари бўйича ҳисобланган дивиденд тўлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, жамият ихтиёридаги Ёнғин қутқарув биносини Фавқулудда вазиятлар вазирлигига беғараз бериш масалалари муҳокама қилинган. Шунингдек йил якунидаги йиғилишда 2024 йил учун мўлжалланган бизнес режа ва ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё материалларни импорт қилиш муҳокамала қилинган. Жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорлар жамият муассислари ҳуқуқ ва манфаатларига зид келмайди, корпоратив бошқарув принциплари бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

2.3 КОРХОНАНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Аудит мақсади:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи.

Аудит текшируви ўтказишда:

- Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи тузилиши ва юритилиши таҳлили;
- Молиявий ҳисоботлар тузилиши бўйича ишлар таҳлили;
- Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тузишда қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик бўйича хатолар аниқлаш бўйича ишлар олиб борилди.

Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларини тузиш тартиби жамият ҳисоб сиёсатида келтирилган ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Бухгалтерия ҳисобини юритиш учун керакли синтетик ва аналитик(таҳлилий) ҳисоб варақлар тўғрилиги ва тўлиқлиги;
- Бирламчи ва бухгалтерия ҳисоботлари ҳужжат шакли;
- Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш тартиби
- Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш;
- Бухгалтерия ҳисоботлари таркибий қисмларини баҳолаш;
- Ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усуллари ва ҳужжатлар айланмалари тартиби;
- Хўжалик операциялар назорати тартиби;
- Бухгалтерия ҳисобини юритишдаги бошқа қарорлар.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) № 1 “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”(МВда 26.07.1998йил № 17-07/86 сон билан тасдиқланган АВда 14.08.1998 йилда №474 сон билан рўйхатга олинган) асосан “Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди... Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаб олган ҳисоб сиёсатини ушбу бандга мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин бўлган сиёсат ҳисобланади.” Корхона ўзининг ҳисоб сиёсатига эга. Жамият ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усуллар келтириб ўтилган.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби 1С бухгалтерия дастурий таъминоти ёрдамида олиб борилади. Жамият ҳисоб сисёати “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва БХМС талабларига жавоб беради.

2.3.1 Бошланғич қолдиклар таҳлил

2023-йил давр учун давлат солиқ органларига топширилган бухгалтерия баланси ҳамда 1С 8 дастурида шакллантирилган ҳисоб регистрларининг маълумотлари солиштирма таҳлили аудит томонидан текширилганда ҳисоб регистрлари ҳамда ҳисобот маълумотлари ўртасида жиддий хато ва камчилик аниқламади. Шунингдек 2022-йил якунига бўйича ҳисобот ва 2023-йил учун топширилган баланс кўрсаткичлари ҳисобот даври бошига кўрсаткичлари бир бирига мос келади.

		Ҳисоботда	Бухгалтерияда	Фарқи
1	2	3	4	5
Актив				
I. Узоқ муддатли активлар				
Асосий воситалар:				
Бошланғич (кайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	51 053 822.00	51 053 822.00	0.00
Эскириш суммаси (0200)	011	28 559 886.00	28 559 886.00	0.00
қолдик (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	22 493 936.00	22 493 936.00	0.00
Номоддий активлар:				
Бошланғич қиймати (0400)	020	7 639.00	7 639.00	0.00
Амортизация суммаси (0500)	021	7 639.00	7 639.00	0.00
қолдик (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)	022	0.00	0.00	0.00
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080)	030	433 898.00	433 898.00	0.00
Қимматли қоғозлар (0610)	040	0.00	0.00	0.00
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	0.00	0.00	0.00
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	0.00	0.00	0.00
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070	0.00	0.00	0.00
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080	433 898.00	433 898.00	0.00
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090	0.00	0.00	0.00
Капитал қўйилмалар (0800)	100	2 724 102.00	2 724 102.00	0.00
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910,0920,0930,0940)	110	0.00	0.00	0.00
Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990)	120	0.00	0.00	0.00
I бўлим бўйича жами (сатр.012+022+030+090+100+110+120)	130	25 651 936.00	25 651 936.00	0.00
II. Жорий активлар				
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+ 160+ 170+180)	140	45 728 829.00	45 728 829.00	0.00
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	43 841 876.00	43 841 876.00	0.00
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	1 295 854.00	1 295 854.00	0.00
Тайёр маҳсулот (2800)	170	591 099.00	591 099.00	0.00
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	0.00	0.00	0.00
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	0.00	0.00	0.00
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	0.00	0.00	0.00
Дебиторлар, жами (сатр. 220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	4 643 587.00	4 643 587.00	0.00
шундан: муддати ўтган*	211	0.00	0.00	0.00
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	823 640.00	823 640.00	0.00
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	0.00	0.00	0.00
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	0.00	0.00	0.00
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	2.00	2.00	0.00
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	2 568 336.00	2 568 336.00	0.00
Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	311 646.00	311 646.00	0.00



Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280	0.00	0.00	0.00
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	0.00	0.00	0.00
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	288 900.00	288 900.00	0.00
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	651 063.00	651 063.00	0.00
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан:	320	3 275 236.00	3 275 236.00	0.00
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00	0.00
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	3 271 269.00	3 271 269.00	0.00
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	0.00	0.00	0.00
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	3 967.00	3 967.00	0.00
қиска муддатли инвестициялар (5800)	370	0.00	0.00	0.00
Бошқа жорий активлар (5900)	380	0.00	0.00	0.00
II бўлим бўйича жами (сатр. 140+190+200+210+320+370+380)	390	53 647 652.00	53 647 652.00	0.00
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390)	400	79 299 588.00	79 299 588.00	0.00
Пассив				
I. Ўз маблағлари манбалари				
Устав капитали (8300)	410	9 569 744.00	9 569 744.00	0.00
Қўшилган капитал (8400)	420	0.00	0.00	0.00
Резерв капитали (8500)	430	8 186 396.00	8 186 396.00	0.00
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440	0.00	0.00	0.00
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	39 538 708.00	39 538 708.00	0.00
Мақсадли тушумлар (8800)	460	6 917 468.00	6 917 468.00	0.00
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470	0.00	0.00	0.00
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430+440+450+460+470)	480	64 212 316.00	64 212 316.00	0.00
II. Мажбуриятлар				
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)	490	1 715 447.00	1 715 447.00	0.00
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491	0.00	0.00	0.00
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500	0.00	0.00	0.00
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510	0.00	0.00	0.00
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520	0.00	0.00	0.00
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530	0.00	0.00	0.00
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540	0.00	0.00	0.00
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550	0.00	0.00	0.00
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300)	560	0.00	0.00	0.00
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570	1 715 447.00	1 715 447.00	0.00
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580	0.00	0.00	0.00
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)	590	0.00	0.00	0.00
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)	600	13 371 825.00	13 371 825.00	0.00
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	1 919 531.00	1 919 531.00	0.00
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзларн*	602	0.00	0.00	0.00
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	1 122 546.00	1 122 546.00	0.00
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620	0.00	0.00	0.00
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630	0.00	0.00	0.00
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640	0.00	0.00	0.00
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650	0.00	0.00	0.00
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660	0.00	0.00	0.00

Олинган бўнақлар (6300)	670	50 699.00	50 699.00	0.00
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	0.00	0.00	0.00
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690	863.00	863.00	0.00
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	0.00	0.00	0.00
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	730 060.00	730 060.00	0.00
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	16.00	16.00	0.00
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	11 452 294.00	11 452 294.00	0.00
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740	0.00	0.00	0.00
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750	0.00	0.00	0.00
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	15 347.00	15 347.00	0.00
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	15 087 272.00	15 087 272.00	0.00
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	79 299 588.00	79 299 588.00	0.00

2.3.2 Хусусий капитал ҳисоби аудити

Ҳисоб регистрлари маълумотларига кўра 2023-йил 1-январь ва 31-декабр ҳолатида жамият хусусий капитали таркиби қуйидаги қаторлардан иборат бўлган:

минг сўмда

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2023 ҳолатида	31.12.2023 ҳолатида
Устав капитали (8300)	410	9 569 744.00	19 139 488.00
Қўшилган капитал (8400)	420	0.00	0.00
Резерв капитали (8500)	430	8 186 396.00	9 464 983.00
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440	0.00	0.00
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	39 538 708.00	55 624 990.00
Мақсадли тушумлар (8800)	460	6 917 468.00	9 501 528.00
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470	0.00	0.00
Жами		64 212 316.00	93 730 989.00

Балансининг хусусий капитал бўлими элементларининг бухгалтерия баланси ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

минг сўмда

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқлар
Устав капитали (8300)	410	19 139 488.00	19 139 488.00	0.00
Қўшилган капитал (8400)	420	0.00	0.00	0.00
Резерв капитали (8500)	430	9 464 982.94	9 464 983.00	-0.06
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440	0.00	0.00	0.00
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	55 624 989.91	55 624 990.00	-0.09
Мақсадли тушумлар (8800)	460	9 501 527.79	9 501 528.00	-0.21
Келгуси давр харажатлари ва тўл. учун захиралар (8900)	470	0.00	0.00	0.00
Жами		93 730 988.65	93 730 989.00	-0.35

Жамиятнинг барча йиллар бўйича фаолияти ва ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар суммасининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)";

8720 "Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)".

8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" счётида жамиятнинг ҳисобот даврида фаолияти бўйича тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олинади. Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойдани тақсимлашдан кейин қолган сумма 8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" счётидан 8720 "Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётига ўтказилади.

Молиявий натижалар шаклланишида ҳисоб регистрлари ва ҳисобот маълумотлари солиштирма таҳлили:

минг сўмда

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Даромадлар (фойда) / Харажатлар (зарарлар)		Фарқлар
		Ҳисобот маълумотлари	Айланма салдоли ведомость маълумотлари	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	276 372 232.00	276 372 232.50	-0.50
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	020	199 976 751.00	199 976 751.39	-0.39
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр. 010 – 020)	030	76 395 481.00	76 395 481.10	-0.10
Давр харажатлари, жами (сатр. 050 + 060 + 070 + 080), шу жумладан:	040	23 220 750.00	23 220 749.41	0.59
Сотиш харажатлари	050	1 508 256.00	1 508 255.51	0.49
Маъмурий харажатлар	060	4 273 314.00	4 273 313.71	0.29
Бошқа операцион харажатлар	070	17 439 180.00	17 439 180.19	-0.19
Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	080	0.00	0.00	0.00
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	1 172 690.00	1 172 690.03	-0.03
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030 – 040 + 090)	100	54 347 421.00	54 347 421.72	-0.72
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр. 120 + 130 + 140 + 150 + 160), шу жумладан:	110	575 783.00	575 782.48	0.52
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120	0.00	0.00	0.00
Фонзлар шаклидаги даромадлар	130	0.00	0.00	0.00
Молиявий ижарадан даромадлар	140	0.00	0.00	0.00
Валюта курси фарқидан даромадлар	150	575 783.00	575 782.48	0.52
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160	0.00	0.00	0.00
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр. 180 + 190 + 200 + 210), шу жумладан:	170	1 337 844.00	1 337 843.96	0.04
Фонзлар шаклидаги харажатлар	180	703 881.00	703 881.04	-0.04
Молиявий ижара бўйича фонзлар шаклидаги харажатлар	190	0.00	0.00	0.00
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	567 882.00	567 881.94	0.06
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	66 081.00	66 080.98	0.02
Умумҳўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 100 + 110 – 170)	220	53 585 360.00	53 585 360.24	-0.24
Фавқулуддаги фойда ва зарарлар	230	0.00	0.00	0.00
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр. 220 +/- 230)	240	53 585 360.00	53 585 360.24	-0.24
Фойда солиғи	250	8 550 160.00	8 550 160.31	-0.31
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	0.00	0.00	0.00
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 240–250 – 260)	270	45 035 200.00	45 035 199.93	0.07

2.3.3 Товар моддий захиралари(ТМЗ) аудити.

Ушбу бўлим учун ҳуқуқий база бўлиб қуйидагилар киради: 4-БХМС, 21-БХМС, 19-БХМС, “Маҳсулот(иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”, “Инвентаризация натижасидан аниқланган камомад ва ортиқчаликни бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тўғрисида Низом” ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларлар.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2023-йил 1-январ ва 31-декабр ҳолатида товар моддий захиралар қолдиқлари қуйидагича бўлган:

Минг сўмда

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2023 ҳолатида	31.12.2023 ҳолатида
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	43 841 876.00	33 393 006.00
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	1 295 854.00	776 944.00
Гайёр маҳсулот (2800)	170	591 099.00	1 820 051.00
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	0.00	0.00
Жами		45 728 829.00	35 990 001.00

Товар моддий захираларинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

Минг сумда

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарк
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	33 393 006.00	33 393 006.00	0
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	776 944.00	776 944.00	-0
Тайёр маҳсулот (2800)	170	1 820 051.00	1 820 051.00	-0
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	0.00	0.00	0
Жами		35 990 001.00	35 990 001.00	-0

Ҳисоб регистрлари маълумотларига кўра 2023-йил 31-декабр ҳолатида товар моддий захиралар қолдиғи 35990001.0 минг сўмни ташкил қилган.

Материаллар ҳисоби материал турлари ва уларга жавобгар бўлган моддий жавобгар шахслар кесимида юритилган.

Текширув натижасида:


- ТМЗлар бухгалтерия ҳисоби 1С дастурий таъминотида миқдор ва қиймат бирлигида юритилган. Омбордаги ТМЗлар ҳаракати миқдор бирлигида юритилган.
- Ҳисобот даври боши ва охиридаги ТМЗ қолдиқлари баланс(1-шакл ҳисобот) 150 сатрига мос келади.
- ТМЗлар кирими тегишли ҳужжатлар(электрон счет фактура, ишончномалар) билан ўз вақтида амалга оширилади.
- Барча ТМЗ моддий жавобгарлик шартномалари тузилган ходимларга бириктирилган.
- Моддий қийматликлар чиқими бўйича комиссия белгиланши бўйича буйруқлар мавжуд. Омбордаги ТМЗлар тегишли юк хатларисиз ёки жамият раҳбари томонидан тасдиқланган чиқим далолатномаларисиз чиқим қилинмайди.

Жамиятда товар моддий захиралар тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилган моддий жавобгар шахслар ҳамда сақлаш жойлари кесимида ҳисобга олиб борилган. Материаллар хариди етказиб берувчилар ва ҳисобдор шахслардан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Фойдаланишга топширилган материаллар белгиланган тартибда ўрнатиш актлари, тарқатиш ведомотлари ва бошқа ҳақиқатда ишлатилганликни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида моддий жавобгар шахслар зиммасидан харажатлар таркибига ўтказилади.

ТМЗлар ҳаракати бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши танлаб текширилди. Ҳисоб таҳлилий қисми маълумотлари бош китоб билан мос келади.

Минг сўм

Счет	Давр бошига қолдиқ	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдиқ
1000	43 235 745.53	618 681 188.08	628 523 927.37	33 393 006.25
1010	41 219 827.02	613 441 746.05	622 817 576.71	31 843 996.36
1010	41 219 827.02	613 441 746.05	622 817 576.71	31 843 996.36
2120	1 257 015.16	159 792 297.68	159 470 900.62	1 578 412.22
1020	0.00	77 253.00	77 253.00	0.00
1030	105 170.85	517 498.83	517 063.01	105 606.68
1040	90 344.84	1 185 213.31	1 166 081.38	109 476.77
1050	132 207.17	422 700.22	472 179.87	82 727.52
1060	19 785.49	698 219.40	698 219.40	19 785.49
1080	968 616.18	835 932.82	1 145 354.72	659 194.28
1090	699 793.99	1 502 624.46	1 630 199.29	572 219.16
1500	1 863 145.72	848 028.42	2 711 174.15	0.00
1510	0.00	569 590.92	569 590.92	0.00
1520	1 863 145.72	278 437.50	2 141 583.22	0.00
2000	0.00	202 627 859.30	202 627 859.30	0.00
2010	0.00	202 627 859.30	202 627 859.30	0.00
2100	39 133.91	557 859.61	-141 549.21	738 542.74
2110	39 133.91	11 325.02	-141 549.21	192 008.14



2130	0.00	546 534.60	0.00	546 534.60
2300	0.00	196 768 041.14	196 768 041.14	0.00
2310	0.00	196 768 041.14	196 768 041.14	0.00
2700	28 553.29	156 876.09	147 028.92	38 400.46
2711	28 553.29	156 876.09	147 028.92	38 400.46
2800	562 251.09	201 332 631.34	200 074 831.64	1 820 050.80
2810	562 251.09	201 332 631.34	200 074 831.64	1 820 050.80

2.3.4 Асосий воситалар аудити.

Асосий воситалар ҳисоби Ўзб.Р. АВда №1299 сон билан рўйхатга олинган “Асосий Воситалар” 5-БХМС ва бошқа бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширилади.

5-сонли БХМС талабларига кўра асосий воситаларга қуйидаги критерияларга жавоб берадиган мол мулклар қиради:

- Хизмат муддати бир йилдан ортиқ;
- Кириш қиймати ҳар бири учун Ўз.Р. белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан ортиқ.

Жамиятда асосий воситаларнинг асосий воситаларнинг ҳисоби 1С Бухгалтерия 7.7 дастурида амалга оширилади.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2023-йил 1-январь ва 31-декабрь ҳолатида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, жамғарилган эскириши ва қолдиқ қийматлари қуйидагича бўлган:

минг сўмда

Қатор коди	Қатор номи	01.01.2023 ҳолатида	31.12.2023 ҳолатида
010	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	51 053 822.00	55 311 147.00
011	Эскириш суммаси (0200)	28 559 886.00	30 973 652.00
012	қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	22 493 936.00	24 337 495.00

Балансинг асосий воситалар булими элементларининг 2023-йил 31-декабрь ҳолатида бухгалтерия баланси ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

минг сўмда


Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқ
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	55 311 147.00	55 311 147.00	
Эскириш суммаси (0200)	011	30 973 652.00	30 973 652.00	
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	24 337 495.00	24 337 495.00	

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар давр бошига, охирига ҳамда барча кириш ва чиқимлар қуйидагича акс эттирилган:

минг сўм

Счет	Асосий восита гуруҳи	Давр бошига қолдиқ	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдиқ
0111	Благоустройство земли	282 979.82	69 274.05	-	352 253.87
0120	Здания, сооружения и передаточные устройства	14 562 989.17	3 603 061.87	185 804.30	17 980 246.74
0130	Машины и оборудование	31 049 862.26	1 023 413.37	126 808.11	31 946 467.52
0140	Мебель и принадлежности	179 731.34	-	5 932.87	173 798.48
0150	Компьютерное оборудование и вычислительная техника	1 368 983.80	-	3 820.86	1 365 162.94
0160	Транспортные средства	3 274 125.94	134 835.79	253 435.82	3 155 525.91
0180	Многолетние насаждения	15 424.70	-	-	15 424.70
0190	Прочие ОС	319 725.05	22 693.59	20 151.35	322 267.28

Асосий воситаларга эскириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида келтирилган нормалардан ошмаган ҳолда корхона ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибда тўғри чизикли усулда ҳисобланган.



Эскириш ҳисоблаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби қонун қоидаларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

Минг сўм

Счет	Асосий восита гуруҳи	Давр бошига қолдиқ	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдиқ
02.11	Износ благоустройства земли	58 238.18		33 493.54	91 731.72
02.20	Износ зданий, сооружений и передаточных устройств	3 917 291.25	181 108.18	451 753.25	4 187 936.32
02.30	Износ машин и оборудования	21 462 691.17	126 808.11	1 895 016.15	23 230 899.20
02.40	Износ мебели и офисного оборудо	119 426.73	5 932.87	24 518.34	138 012.20
02.50	Износ компьютерного оборудои ВТ	1 057 119.15	3 820.86	111 234.13	1 164 532.42
02.60	Износ транспортного средства	1 723 997.14	253 435.82	456 629.66	1 927 190.98
02.80	Износ многолетних насаждений	13 239.53	-	1 542.47	14 782.00
02.90	Износ прочих основных средств	207 883.14	19 805.64	30 490.13	218 567.62

2.3.5 Узоқ муддатли инвестициялар аудити

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисобида жамиятнинг бошқа ташкилотларга киритган инвестициялар юритилган.

Минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2023 ҳолатида	31.12.2023 ҳолатида
Қимматли қозғалар (0610)	040	0.00	0.00
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	0.00	0.00
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	0.00	0.00
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	070	0.00	0.00
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080	433 898.00	433 898.00
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	0.00	0.00
Жами		433 898.00	433 898.00

31.12.2023 й ҳолатида Баланс ва ҳисоб регистрлари солиштирма таҳлили

Минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқ
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	0.00	0.00	0.00
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	0.00	0.00	0.00
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	070	0.00	0.00	0.00
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080	433 898.43	433 898.00	0.43
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	0.00	0.00	0.00
Жами		433 898.43	433 898.00	0.43

Узоқ муддатли инвестициялар ташкилотлар кесимида қуйидагича (сўмда):

Ташкилот номлари	01-январь 2023	31-декабрь 2023
МChJ YANGIYOL MARVARIDI	300 000 000,00	300 000 000,00
МChJ ParkentKonsaltingTexnikServis	50 000 000,00	50 000 000,00
МChJ SINTEZ PROGRESS	83 898 434,07	83 898 434,07
Жами	433 898 434,07	433 898 434,07

2023-йил мобайнида узоқ муддатли инвестициялар таркибида ўзгаришлар амалга оширилмаган. 2023-йил 31-декабр ҳолатида 433 898.0 минг сўм узоқ муддатли инвестициялар счеотида акс эттирилган.

2.3.6 Касса ва касса операциялар аудити.

Жамиятда нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун алоҳида хона мавжуд. Барча маблағлар тегишли тартибда жиҳозланган сейфда сақланади. Нақд пуллар кирими касса кирим ордерларига асосан, чиқими эса ведомостлар ва тегишли буйруқлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар илова қилинган касса чиқим ордерларига асосан амалга оширилади. Текшириш давомида касса дафтари бетланиб, тикилиб, мухрлангани аниқланди. Кирим ва чиқим ордерлари тегишли тартибда расмийлаштирилган, чек дафтарчаси тўлдирилган.

Кирим қилинган пул маблағлари ҳисобрақамдан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ҳисоблашлар, уруғ чиқиндиларни сотишдан тушум, буг иситиш тизимидан фойдаланганлик учун

жисмоний шахслар тўловлари, қишлоқ хўжалик(картошка) ва бошқа маҳсулотлари(товуқ) сотишдан тушум манбалари ҳисобига шаклланган.

2.3.7 Банкдаги асосий ва бошқа ҳисобрақамлар аудити.

Ҳисобрақамлар бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013-йил 3-июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ” асосида амалга оширилган.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2023-йил 1-январь ва 31-декабрь ҳолатида пул маблағлари қолдиқлари қуйидагича бўлган:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2023 ҳолатида	31.12.2023 ҳолатида
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	3 271 269.00	17 443 960.00
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	0.00	0.00
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600; 5700)	360	3 967.00	10 376.00
Жами		3 275 236.00	17 454 336.00

Пул маблағларининг 2023-йил 30-июнь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Балаяс	Фарк
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00	0
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	17 443 960.13	17 443 960.00	0
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	0.00	0.00	0
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5700)	360	10 375.90	10 376.00	0
Жами		17 454 336.03	17 454 336.00	0

Жамиятнинг бир неча ҳисобрақамлари мавжуд бўлиб, хусусан пенсия нафақалар ҳисоб китобларни амалга ошириш учун пенсия ҳисобрақамига ҳам эга. Аудитга тақдим қилинган барча банк кўчирмалари ойлик асосда алоҳида папкаларда хронологик тарзда тикилган ва барча операциялар бўйича тасдиқловчи дастлабки ҳужжатлар – счет фактура, бажарилган ишлар ҳақида далолатномалар бор ва мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб китоб ҳужжатларида жамият раҳбариятининг тасдиқлари қўйилган. Банк счёти операциялари танлов асосида текширилди. Барча банк кўчирмаларни бирламчи ҳужжатлар билан бирга регистрларда акс этган. Кўчирмалардаги қолдиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларидаги қолдиқлар билан мос келади. Банк муомалалари аудитида жиддий хато ва камчиликларга дуч келинмади. Валюта ҳисобварақ қолдиқлари ҳар ойда тўғридан тўғри қайта баҳолаш орқали қайта баҳоланган.

2.3.8 Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб-китобларни аудити.

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси;
- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирининг 01.04.2002 йилги 21-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 08.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 йилги 133- сонли қарори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш тартиби».

Жамиятда ходимларни ишга қабул қилиш меҳнат шартномалари ва у имзолангандан кейин раҳбарнинг ходимни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи билан расмийлаштирилади. Ишчилар буйруқ билан таништирилганлар. Ҳар бир ишчига Т-2 шаклдаги шахсий карточка очилган. Ишчиларнинг лавозим жадваллари тасдиқланган. Жамиятда ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади.

Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақти иш вақтини ҳисобга олиш табели Т-13 шаклини тўлдириш орқали ҳисобланади. Ходимларнинг иш ҳақини ҳисоблаш ва даромад солиғини ушлаб қолиш “1С Предприятия” дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилади. Ходимларга моддий ёрдам, рағбатлантириш тусидаги тўловлар ва бошқа тўловлар жамият директори буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ишчи ходимлардан уларнинг аризаларига асосан аъзолик бадалларига, ўқиш контракт пулига, ипотека кредитини сўндириш учун ушланмалар ушлаб қолинган. Булардан ташқари даромад солиғи, алиментлар ва бошқа мажбурий ушланмалар ҳам ушлаб қолинган.

67 с/ҳ 2023-йил қўйидаги с/ҳлар билан корреспонденция бўлган:

Корр с/ҳ	Операциялар мазмуни	Дебет	Кредит
			сум
Бошланғич қолдиқ			16 056,43
0800	Қурилиш объекти ишчиларига ҳисобланган		57 473 106,98
2000	Асосий ишлаб чиқариш ишчиларига ҳисобланган		6 129 440 905,70
2300	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ишчиларига ҳисобланган		12 069 232 899,04
2700	Ёрдамчи хўжалик ишчиларига ҳисобланган		70 241 546,47
4200	Иш ҳақидан аванс тўловлари туланган	29 869 559 322,50	
4700	Ушланмаларга ушлаб қолинган	149 000 000,00	
4800	Иш ҳаққи тўлаб берилган	4 272 803,00	
6300	Иш ҳаққи тўлаб берилган	3 816 631,32	
6400	Даромад солиғи ушлаб қолинган	3 983 625 096,05	
6700	Ушланмаларга ушлаб қолинган	14,82	14,82
6900	Ушланмаларга ушлаб қолинган	718 395 417,57	0,05
9300	Ушланмаларга ушлаб қолинган	8 283 705,01	
9400	Маъмурият ходимларга иш ҳақи ҳисобланган	10 680 100,00	16 421 228 560,78
Йиллик айланма		34 747 633 090,27	34 747 617 033,84
Якуний қолдиқ			


2.3.9 Ҳисоб-китоб-тўлов тартибн аудити

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши учун раҳбарларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар хизмат қилади.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2023 йил 1 январ ва 31 декабр ҳолатида дебитор қарзлар қолдиқлари қўйидагича бўлган:

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2023 ҳолатида	31.12.2023 ҳолатида
